

ХАЛҚ - ФАЛСАФИЙ СИЁСИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА ВА УНИ БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14543859>

Окюлов Хасан Оманбаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти

votum7777@gmail.com

***Аннотация:** Мақолада халқнинг фалсафий-сиёсий категория сифатида аҳамияти ва унинг бирлигини таъминловчи омил эканлиги ўрганилган. Ижтимоий сиёсий консенцияларда халқ ягона эрк иродага эга бўлган сиёсий субъект сифатида тавсифланиши кўрсатиб берилган.*

***Калит сўзлар:** халқ, демократия, ижтимоий жамият, миллат, мулк.*

Ижтимоий воқеъликда, ижтимоий муносабатларда турли-туман субъектлар доираси харкат қилади. Ҳуқуқий майдонда у давлат, фуқаро, юридик шахс сифатида намоён бўлса, ижтимоий маконда давлат, шахс, жамият тарзида мужассамланади. Шунингдек, муайян ижтимоий фанлар соҳасида халқ, миллат, элат, аҳоли, ижтимоий қатламлар, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий синфлар ҳам алоҳида ижтимоий муносабат иштирокчилари сифатида фарқланади. Шу муносабат билан халқ категориясини намоён бўлиш хусусиятлари, унинг таркиби, унинг яхлитлиги ва таркибий қисмларининг алоҳидалиги, уларни бирлаштирувчи узвийлик тўғрисидаги масала фалсафий жиҳатдан ҳам, сиёсатшунослик нуқтаи-назаридан ҳам ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқни алоҳида субъект сифатида мустаҳкамлайди¹. Асосий Қонунимизнинг муқаддима қисмида конституцияни қабул қилишни мақсади, вазифалари, унинг асосий қадриятлари Ўзбекистоннинг ягона халқи номидан баён қилинади. Конституциянинг 7-моддасида “Халқ давлат ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи” эканлиги кўрсатилган. 2-моддада эса “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши” белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан халқ ўзи алоҳида субъектми? Ёхуд умумлашма тушунча бўлиб рамзий маънода қолиб кетувчи, реал воқеъликда сиёсий, ҳуқуқий майдонда давлат тимсолида мужассамланувчи тузилмами деган савол вужудга келади. Конституциявий нормаларни талқин этиш асосида давлат ва халқ ўртасида муайян узвийлик

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. Юридик адабиётлар. 2023 й.

мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, шуни таъкидлаш ўринлики, фалсафий жиҳатдан халқ алоҳида субъект бўлиб ҳисобланади. Халқ бу мамлакат аҳолисининг шунчаки оддий йиғиндиси эмас, чунки мамлакат аҳолиси таркибида халқ таркибига киритишни муайян истисно этувчи ҳолатлари мавжуд бўлган ажнабий фуқаролар ҳам мавжуд. Мигрантлар салмоғи юқори бўлган баъзи мамлакатларда уларнинг улуши нисбатан сезиларли эканлигини таъкидлаш лозим. Албатта, улар аҳоли таркибий қисми сифатида ўз кайфияти, қарашлари, манфаатларига эга ва бу ҳолат туб аҳоли ўзак бўлиб ҳисобланган халқни кайфияти, яшаш тарзи, қадриятларига ҳам муайян даражада таъсир қилади. Бироқ, халқ деганда мамлакат билан узвий ҳуқуқий, сиёсий боғланган ижтимоий манфаатлар умумийлиги, рухий-психиологик туйғулар умумийлиги, ахлоқий-маънавий қадриятлар умумийлигига асосланган аҳоли қатламини тушуниш ўринли бўлур эди.

Ижтимоий сиёсий консенцияларда халқ ягона эрк иродага эга бўлган сиёсий субъект сифатида тавсифланади. Айнан шу маънода у оломонга, жинойтчи тўдаларга қарши қўйилади. Т.Гоббс талқинида халқнинг бундай бирлиги хусусий шахсларни ихтиёрий равишда суверенга итоати тарзида, ижтимоий шартнома тарзида амалга оширилади.² Руссо эса бундай бирликни халқни ўзини-ўзи ташкил этиш, хусусий шахслар конгломератини умумий эрк-иродага эга бўлган сиёсий организмга айланиши тарзида талқин этади.³

Бунда либерал демократияда вужудга келадиган энг муҳим муаммолардан бири, сиёсий жараёнларда иштирок этаётган фуқаролар жамиятини халқ сифатида шаклланиш чегараларини белгилаш ҳисобланади. XVIII аср охиридаги турли социал гуруҳларнинг жамиятда мавжудлиги, уларнинг қайсиниси халққа мавжудлиги тўғрисида масалани келтириб чиқарди. Ушбу муаммо ечимини Ш.Монтеске таклиф этди. Биринчи галда у демократияни ҳокимият халққа тегишли бўлган режим сифатида таърифлади. Бошқа жиҳатдан олганда жамиятдаги реал вазиятдан келиб чиқиб Монтеске барча демократия халқни муайян синфларга бўлиниши билан боғлиқ ва бу синфлар демократик жараёнларда иштирок этиши, қандай ҳуқуқлар билан таъминланиши аҳамиятга эга деб кўрсатди.⁴

Халқ таркиби турли мезонлар бўйича талқин этилиши мумкин. Ижтимоий жамият миллий таркиби бўйича турли миллат ва элатлардан иборат. Айни

² В.А.Ачкасов. Понятие «Народ» в политическом дискурсе элит. <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-narod-v-politicheskom-diskurse-elit/viewer>

³ В.А.Ачкасов. Понятие «Народ» в политическом дискурсе элит. <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-narod-v-politicheskom-diskurse-elit/viewer>

⁴ В.А.Ачкасов. Понятие «Народ» в политическом дискурсе элит. <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-narod-v-politicheskom-diskurse-elit/viewer>

пайтда ўз ижтимоий ҳолати бўйича халқ турли қатламлардан зиёлилар, ишчилар, деҳқонлардан иборат. Бироқ ҳозирги замон шароитларида бундай бўлиниш ниҳоятда шартли характерга эга, чунки, кишилар меҳнат фаолиятини амалга ошириш усулига қараб уни табақалаш деярли ўз аҳамиятни йўқотди. Қишлоқ хўжалигидаги аграр индустрия деҳқон меҳнатини муайян маънода зиёли меҳнатига, саноат ишчиси меҳнатига яқинлаштирди. Бироқ совет даврида ишчи деҳқон қатлами сиёсий ҳокимиятда доминант ҳолатни эгаллаган эди. Ҳозирги замон шароитида мамлакатимизда етакчи мавқега эга бўлган қатлам борми деган савол туғилади, ҳуқуқий нуқтаи-назардан масалани бундай қўйиш ноўрин туюлиши мумкин, чунки барча қатлам кишилардан иборат, кишилар эса тенг ҳуқуқли. (албатта, бу ўринда ногиронларга, вояга етмаганларга, кексаларга бериладиган алоҳида имтиёз, авфзалликлар назарда тутилмаяпти. Чунки бундай имтиёз, авфзалликлар муайян қатламни сиёсий жараёнларда етакчи, ҳукмрон мавқени эгаллашига олиб келмайди.) Жамиятда ижтимоий қатламлар табақаланишида ўта бойлар қатламини, ўрта қатлам ва камбағаллар қатламига табақалаш мезонлари ҳам мавжуд. Ўта бойлар қатлами умумлашма ном сифатида баъзан “миллиардерлар”, “олигархлар” қатлами деб аталмиш ижтимоий гуруҳ мавжудлиги эътироф этилади. Шунингдек, зўрға кун кечирадиган турли ижтимоий нафақаларга, кучли ижтимоий сиёсатга муҳтож бўлган камбағаллар ижтимоий гуруҳлари мақоми ҳам бугунги кунда деярли расман эътироф этилмоқда. Лекин аҳолининг асосий катта қисмини ўрта мулкдорлар қатлами ташкил этади. Дунёнинг деярли барча мамлакатларида ўрта мулкдорлар қатлами жамиятдаги тинчлик, барқарорликни таянчи сифатида кўрсатилади. Ўрта қатлам сиёсий жараёнларда ҳам фаол қатнашади. У ўз сиёсий партияларига ўзининг турли эҳтиёж, манфаатларини амалга оширилишини, ҳимоя қилилишини таъминловчи бошқа ижтимоий тузилмаларга эга. Мамлакатимизда Ўзбекистон Либерал Демократик Партияси ўзининг ўрта мулкдорлар қатламининг манфаатларини ифодаловчи сиёсий партия сифатида баён этиб келади. У парламентда ҳам бир неча чақириқ сайловлар мобайнида бошқа партияларга нисбатан энг кўп ўрин эгаллаган партия бўлиб ҳисобланади. 2024 йилда бўлиб ўтган сайловларда ҳам ушбу партия парламентдаги етакчи мавқеини сақлаб қолди ва мустахкамлади. Уни сайловларда ғалабасини асосий сабаби - унинг нафақат сайловолди платформасининг жозибадорлиги, балки аҳолини энг фаол ишчан қатлампдан ташкил топганлигидан изоҳланади. ЎзЛиДеп партияси “Ваъда эмас - натижа” деган шиор билан чиқганлиги ўзига хос ижобий пиар вазифасини ўтади. Ушбу партия ўзининг ҳукмрон партия мавқеидан фойдаланиб мамлакатда эришилган ижтимоий иқтисодий ютуқларни ютуқларни ўзининки қилиб кўрсатганлиги, ўз

хисобига ёзганлиги ҳам бунга сабаб бўлди, деб талқин этувчилар ҳам топилиши мумкин. Албатта, сиёсий технологияларда, сайловолди курашларда шундай ёндашувлар ҳам учраб туради. Бироқ бу юзаки ёдашув хисобланади. Албатта сиёсий технологиялар бўйича мутахассислар, экспертлар келгусида мамлакатимиздаги жорий сайловлар натижаларини ўрганиб, таҳлил этишлари турган гап. Бироқ ҳозирги дастлабки хулосалар бўйича айтиш мумкинки, ЎзЛиДеп партияси ўнг марказ стратегик йўналишини танлаб олиб, биринчи галда асосий диққат эътиборни иқтисодиётни ривожлантиришга, тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлашга, мулк ҳуқуқини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратди ва бу борада аниқ режаларини электоратга етказа билди. Шунини эътироф этиш ўринлики, ЎзЛиДеп партияси парламентда мутлақ кўпчилик эмас, нисбий кўпчилик ўринларини эгаллаган ва бошқа сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилишга, коалиция тузишга мажбур. Акс ҳолда ўз лойиҳаларини ўтказа олиши даргумон. Шуниси диққатга сазоворки, бошқа сиёсий партиялар ҳам аҳолини муайян қатлами билан узвий боғлиқлигини иддао қилиб чиқадилар. Масалан зиёлилар, хизматчилар ва хоказо. Бу ўринда савол туғилиши табиий, агар халқ муайян ижтимоий қатламлардан иборат экан ва бу қатламлар ўртасида уларнинг манфаатларини ифодалайдиган сиёсий партиялар, сиёсий жараёнларда ўзаро кураш олиб борар экан, бу ҳолат ягона халқ бирлиги ва эрки иродасини йўққа чиқармайдими, жамиятда бўлинишга олиб келмайдими деган савол туғилади. Бироқ, турли қатламлар ўртасидаги бундай табақаланиш мутлоқ характерга эга эмас. Табақалар манфаатларидан ташқари турли табақаларнинг ягона халққа бирлаштирувчи ўзига хос таъсир марказлари, боғловчи ижтимоий ришталар ҳам мавжуд. Бу биринчи галда халқимизнинг менталитети, қадриятлари билан боғлиқ. Бекорга давлат тузилмалари энг қуйи бўғинда халқни бирлаштирувчи ижтимоий тузилма оила ва маҳалла тузилмалари негизига бориб тақалмайди. Мамлакатимиз оилаларидаги ички муҳит ва маҳалла каби ўзини-ўзи бошқариш органлари халқни бирлигини таъминловчи ўзига хос ташкилий қурилмалар сифатида баҳоланиши мумкин.

Одатда бозор тизими, шафқатсиз рақобат муҳити кишилар ўртасида меҳр оқибат тўйғуларини заифлаштиради, худбинлик ва индивидуализмга асосланган характерларни шакллантиради деган нуқтаи-назарлар кенг тарқалган. Эҳтимол Ғарбнинг баъзи мамлакатларида бундай ҳолатлар мавжуддир. Бироқ мамлакатимизда кишилар ўртасида коллективизм, жамоавий муносабатлар устуворлиги мавжуд ва у заифлашмасдан тобора мустаҳкамланмоқда. Халқнинг миллий ғурури, ўтмиш ажододлари, бой тарихи ҳам халқни бирлигини сақловчи ва таъминловчи омиллардан бири сифатида

мавжуд. Ватан келажаги, равнақига ишониш ҳам халқни бирлигига ўз хос ижобий тарзда таъсир қилади. Бу борада айниқса, барча кишиларни ром этадиган, маънавий бирликка чақирадиган миллий ғоя, миллий контентлар ҳам халқни бирлиги ва ягоналигини таъминловчи муҳим таъсир кучи вазифасини ўтай олади.

Юқоридагилар келиб чиқиб қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, Асосий Қонунимиздаги ягона халқ иродаси халқни хокимиятнинг бирдан-бир манбаи тўғрисидаги нормалари қуруқ декларация эмас, балки, мамлакатимиз сиёсий ҳуқуқий тизимида келиб чиқувчи реал воқеълик ҳисобланади.